

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IKTISODIЁT VAZIRLIGINING  
QARORI

**543** Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбир-  
корлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекция-  
лари тўғрисидаги намунавий низомга ўзгартиришлар ва  
қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1279-4*

*(2012 йил 9 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон Фармони)»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 44-сон, 507-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитасининг 2003 йил 27 сентябрдаги 05-20-401, 14 ва 01/23-55-сон қарори (рўйхат рақами 1279, 2003 йил 27 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон) билан тасдиқланган Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомга иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Адлия вазири**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 29 ноябрь,  
3-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Hujjat 2012 yil 10 dekabr holatiga

**543-544-моддалар**

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2012 йил 29 ноябрь,  
11-сон

— 16 —

**48-49 (548-549)-сон**

**Г. САИДОВА**